



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 6 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 6

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№6 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-6>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxanova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ҲУҚУҚРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА «РАҚАМЛИ ҲУҚУҚ» (DIGITAL LAW) ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	5
2. Aminov Dalerjon Alisher o'g'li O'ZBEKISTONDA HUQUQIY TA'LIM VA AMALIYOT HAMKORLIGINING ZAMONAVIY MODELLARI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....	34
3. Зулунов Махсудбек Махаммаджонович ФОНДЛАР МУЛКИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ.....	41
4. Азизов Иқболжон Гулямович ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА БЕРИШ УЧУН ИШТИРОК ЭТУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲОЛАТИ.....	50
5. Жураев Анваржон Ильхомжон угли ПРАВОВАЯ ПРИРОДА МАХАЛЛИ И ЕЁ РОЛЬ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННЫХ ВИДОВ ТУРИСТИЧЕСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА.....	58
6. Алтиев Раззоқ Саидович ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.....	67
7. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР: ТУШУНЧА, ТАСНИФ ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	79
8. Ismoilov Shoxabbos G'ayratjon o'g'li JINOYAT KODEKSI UMUMIY VA MAXSUS QISMLARI NORMALARI RAQOBATINING HUQUQIY TAHLILI.....	88
9. Кахаров Фируз Елмуратович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАР ТИЗИМИ: ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ.....	98
10. Salaev Nodirbek Saparbaevich TRANSFORMATION OF UZBEKISTAN'S PENAL ENFORCEMENT LEGISLATION: A NEW PARADIGM OF HUMANISM, REINTEGRATION AND INNOVATIVE PENITENTIARY POLICY.....	106
11. Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК.....	115
12. Adilxodjaev Sherzod Shuxratovich KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH SIYOSATINING DOLZARB MASALALARI: KORRUPSIYA TUSHUNCHASI VA ALOMATLARI.....	124



12.00.04-ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ТРЕТЕЙСКИЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ

Азизов Иқболжон Гулямович,
Фуқаролик ишлари бўйича
Қўрғонтепа туманлараро судининг раиси,
E-mail: iqboljonazizov045@gmail.com

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА БЕРИШ УЧУН ИШТИРОК ЭТУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲОЛАТИ

For citation: Azizov Iqboljon Gulyamovich. THE PROCEDURAL POSITION OF STATE MANAGEMENT BODIES PROVIDING ADVISORY OPINIONS IN CIVIL PROCEDURE. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 6.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.21938718>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ иш юзасидан хулоса бериш мақсадида фуқаролик процессида иштирок этувчи давлат бошқаруви органларининг процессуал ҳолати ҳар томонлама таҳлил этилади. Давлат бошқаруви органлари ишнинг натижасидан моддий-ҳуқуқий манфаатдор бўлмаган ҳолда, фақат процессуал манфаатдорлик асосида иштирок этади. Муаллиф ушбу субъектларнинг процессуал мақомини бошқа иштирокчилар билан таққослаб, хулосанинг ҳуқуқий табиати, суд учун мажбурий эмаслиги ва уни баҳолашнинг махсус тартибини очиб беради. Шунингдек, мақолада қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фуқаролик процесси, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, иш юзасидан хулоса, мутахассис, васийлик ва ҳомийлик органлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари.

Азизов Иқболжон Гулямович,
Председатель Кургантепинского межрайонного
суда по гражданским делам,
E-mail: iqboljonazizov045@gmail.com

ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПОЛОЖЕНИЕ ОРГАНА ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ, УЧАСТВУЮЩЕГО В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ ДЛЯ ДАЧИ ЗАКЛЮЧЕНИЯ ПО ДЕЛУ

АННОТАЦИЯ

В данной статье всесторонне анализируется процессуальное положение органов государственного управления, участвующих в гражданском процессе для дачи заключения по делу в соответствии с Гражданским процессуальным кодексом Республики Узбекистан.

Органы государственного управления участвуют в процессе на основе исключительно процессуальной заинтересованности, не имея материально-правового интереса в исходе дела. Автор сопоставляет процессуальный статус данных субъектов с другими участниками процесса, раскрывает правовую природу заключения, его необязательность для суда и специальный порядок его оценки. Также в статье разработаны предложения по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: гражданский процесс, органы государственного управления, защищающие права других лиц, заключение по делу, специалист, органы опеки и попечительства, права потребителей.

Azizov Iqboljon Gulyamovich,

Chairman of the Kurgantepa Interdistrict Court for Civil Cases,

E-mail: iqboljonazizov045@gmail.com

THE PROCEDURAL POSITION OF STATE MANAGEMENT BODIES PROVIDING ADVISORY OPINIONS IN CIVIL PROCEDURE

ANNOTATION

This article provides a comprehensive analysis of the procedural status of state administration bodies participating in civil proceedings to provide an opinion on a case in accordance with the Civil Procedural Code of the Republic of Uzbekistan. State administration bodies participate in the process solely on the basis of procedural interest, without having any material or legal interest in the outcome of the case. The author compares the procedural status of these entities with other participants in the proceedings, revealing the legal nature of their opinion, its non-binding character for the court, and the special procedure for its evaluation. Additionally, the article develops proposals for improving the current legislation.

Keywords: civil process, state administration bodies protecting the rights of others, opinion on a case, specialist, guardianship and trusteeship authorities, consumer rights.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2-моддасида фуқаролик суд ишларини юритишнинг энг асосий вазифаси фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат эканлиги белгиланган.[1]

Фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқишга ва қонуний қарор қабул қилишга ишда иштирок этувчи шахсларнинг фаоллиги ҳамда одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг ёрдами орқали эришилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар фуқаролик процессида иштирок этадиган асосий иштирокчилар бўлиб, фуқаролик процессуал муносабатларнинг асосий субъектлари ҳисобланади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ишнинг натижасидан у ёки бу даражада манфаатдор бўлади.

Фуқаролик суд ишларини юритишда давлат бошқаруви органларининг иштироки мураккаб ва кўп қиррали ҳуқуқий институт ҳисобланади. Ушбу органлар томонидан бериладиган ҳулосалар кўпинча ишни тўғри ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, уларнинг процессуал ҳолати ҳозиргача етарлича ўрганилмаган.

Илмий адабиётларда ва амалиётда ушбу органлар кўпинча прокуратура органлари ёки учинчи шахслар билан чалкаштирилиши кузатилади. Бироқ, уларнинг процессуал ҳолати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, процессуал манфаатдорлик табиати жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу масалани тадқиқ этиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

ФПК 39-моддаси ишда иштирок этувчи шахслар таркибига тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, ариза берувчилар, манфаатдор шахслар, прокурор, ишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилишда

иштирок этадиган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларни киритади.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари процесда икки хил шаклда иштирок этади.

Биринчи шакли даъво ариза ёки ариза бериш шаклида иштирок этиш бўлса, иккинчи шакли иш юзасидан хулоса бериш учун иштирок этишидир.

Иш юзасидан хулоса бериш учун процесда иштирок этувчи давлат бошқаруви органи ишни якуни бўйича процессуал манфаатдорликка эга бўлади.

Ҳуқуқшунос олим Р.Ф.Каллистратованинг фикрича иш юзасидан хулоса бериш учун иштирок этувчи давлат бошқаруви органлари ишда иштирок этувчи бошқа иштирокчилар каби судни қароридан мустақил юридик манфаатга эга бўлади. Тарафлар ва учинчи шахслардан фарқли равишда уларнинг манфаати шахсий (моддий-ҳуқуқий) характерга эга бўлмайди, балки уларнинг зиммасига юклатилган бошқарув функциялари билан боғлиқ бўлади.[2]

Е.В.Джандосованинг фикрича суднинг қарори муайян бошқарув соҳаси манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлганда, давлат бошқаруви органининг хизмат юзасидан манфаатдорлиги вужудга келади ва бу ҳолат давлат органининг иш юзасидан хулоса бериш учун ишга киришишга асос бўлади ҳамда қонуний ва асослантирилган қарор чиқишидан процессуал манфаатдорлик юзага келади.[3]

Иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессидаги иштироки кўпроқ оммавий-ҳуқуқий белгиларга эга бўлади. Давлат бошқаруви органи ўзининг иш юзасидан хулосасини ўзига қонун билан юклатилган соҳавий хизмат вазифаларидан келиб чиқиб беради. Давлат бошқаруви органи тарафлар ва учинчи шахслардан фарқли равишда моддий-ҳуқуқий манфаатдорликка эга бўлмайди.

Бундай органлар низоли ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳисобланмайди, лекин уларнинг иш юзасидан хулосаси ишнинг якунига таъсир кўрсатиши мумкин.

Процесда иштирок этиши ва ўзининг хулосаси билан суднинг қонуний қарор қабул қилишига эришиш давлат бошқаруви органининг мақсадини белгилайди.

ФПК 52-моддаси 2-қисмига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хулосалар бериш учун суд томонидан суд процессида иштирок этишга жалб қилиниши ёки ўз ташаббуси билан процесга киришиши мумкин.

Фуқаролик суд ишларини юритишда иш юзасидан хулоса бериши мумкин бўлган давлат бошқаруви органлари қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатилади.

Бундай органлар давлат бошқарувини муайян соҳасида бошқарув функцияси ва вазифаларга эга бўлади.

Д.Хабибуллаев фикрига кўра фуқаролик процессида иштирок этувчи давлат бошқарув идоралари сифатида ҳокимият идоралари, солиқ органлари, молия органлари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлаш бўлимлари, патент идоралари, уй-жой бошқармалари ва ҳ.к.лар келтириб ўтилган.[4]

Иш юзасидан хулоса бериш учун иштирок этувчи давлат бошқаруви органининг суддаги вазифаси прокурорнинг процесдаги вазифасига ўхшаб кетсада, унинг жиддий фарқлари мавжуд. Прокурор ва иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органининг фуқаролик процессидаги иштирокининг фарқли жиҳатларини куйидагиларда кўриш мумкин:

-прокурор фақат ФПКда ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғида аниқ кўрсатилган тоифадаги ишларда қатнашади, давлат бошқаруви органи эса суд лозим топган ҳар қандай иш бўйича жалб қилиниши мумкин ёки қонунда бундай органлар иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар аниқ кўрсатилган бўлиб, у ишларда прокурор иштироки назарда тутилмайди;

-прокурор иш юзасидан фикр беради, прокурор фикри муҳокамага қўйилмайди, тарафлар прокурор фикри бўйича муноазарага киришмайди, прокурорга саволлар

берилмайли, давлат бошқаруви органининг иш юзасидан хулосаси бўйича мунозара ўтказилиши мумкин, давлат бошқаруви органи вакилиги тарафлар саволлар бериши мумкин;

-прокурорга нисбатан ишда иштирок этувчи шахслар раддия бериши мумкин, давлат бошқаруви органи вакилига раддия берилмайди;

-давлат бошқаруви органининг иш юзасидан хулосасига суд томонидан бошқа далиллар каби баҳо берилади, прокурор фикрига баҳо берилмайди.

Процессуал қонунчилик давлат бошқаруви органи хулосасининг мазмуни ва шаклига бирон бир талабларни қўймайди. Хулоса, қоида тариқасида ваколатли шахс томонидан имзоланган бўлиши ҳамда ишнинг мазмуни бўйича асослантирилган фикр-мулоҳазаларни ва талабларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Суд амалиётида иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органларининг пассив ва актив иштирокини кузатишимиз мумкин.

Пассив иштирокчи фақат суднинг сўровига жавоб тариқасида судда иштирок этиб, мустақил равишда далилларни тўплаш чораларини кўрмасдан хизмат вазифаси юзасидан ваколати доирасида хулосасини тақдим қилади.

Актив иштирокчи эса иш юзасидан хулосасини асослантириш учун қўшимча материалларни сўраб олади ёки мустақил тадқиқотлар ўтказди, янги ҳолатларни аниқлайди.

Ҳуқуқшунос олим Г.Д.Улетованинг фикрича, қўшимча маълумотларни йиғиш ҳуқуқсиз давлат бошқаруви органининг хулосаси далилий кийматини йўқотиб, расмий жавоб хатига айланиб қолади.[5]

Ҳуқуқшунос олим О.В.Баулин Г.Д.Улетованинг фикрига қарши чиқиб, суд томонидан тақдим қилинган материаллардан четга чиқиш давлат бошқаруви органини норасмий терговчига айлантириб қўйиши ва тарафларнинг тортишуви принципини бузиши ҳақида фикрга келади.[6]

Биз Г.Д.Улетованинг фикрига қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, давлат бошқаруви органининг процессдаги фаол иштироки, мустақил равишда қўшимча маълумотларни йиғиши, янги ҳолатларни аниқлаши тарафларнинг тортишуви принципини бузмайди, давлат бошқаруви органининг иш юзасидан хулосаси суд мажлисида муҳокамага қўйилади, тарафлар хулоса бўйича саволлар беришга, хулосадаги ҳолатларга қарши ўзининг эътирозларини билдиришга, далилларини тақдим қилишга ҳақли.

Давлат бошқаруви органининг иш юзасидан хулоса бериш учун процессда иштирок этишига иккита асос мавжуд.

Биринчидан, давлат бошқаруви органини суд иш юзасидан хулоса бериш учун жалб қилиши.

Иккинчидан, иш юзасидан хулоса бериш қонунда назарда тутилганлиги учун давлат бошқаруви органининг ўзи процессга киришиши.

Қоида тариқасида, суд ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида давлат бошқаруви органини иш юзасидан хулоса бериш учун жалб қилиш масаласини ҳал қилади.

Иш юзасидан хулоса бериш учун ишга жалб қилинган давлат бошқаруви органи ишда иштирок этувчи шахслардан бири бўлганлиги сабабли ФПКнинг 40-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, жумладан иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим қилиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, суд муҳокамаси давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш, суд ҳужжатларининг мажбурий ижросини талаб қилиш, давлат ижрочиси томонидан ҳаракатлар содир этилишида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Иш юзасидан хулоса бериш учун ишда иштирок этаётган давлат бошқаруви органининг процессдаги иштироки хизмат вазифаларини бажариш билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун суд томонидан тўғри ва қонуний қарор қабул қилинишидан манфаатдор бўлади.

Давлат бошқаруви органи судда кўрилатган масала юзасидан ўзининг ваколати доирасида масалани қандай ҳал этиш бўйича хулосасини судга тақдим қилади.

Давлат бошқаруви органининг иш юзасидан хулосасининг ўзига хос хусусияти унинг нафақат ҳуқуқий асосланишида, балки давлат органи томонидан ишнинг фактик ҳолатларига тахлилий ёндошишида кўринади.[7]

Давлат бошқаруви органининг хулосаси суд учун мажбурий кучга эга бўлмайди, бироқ, ишдаги бошқа далиллар қатори баҳо берилади ва хулосага суд қўшилмаган тақдирда қўшилмаслик сабаблари асослантирилади.

Давлат бошқаруви органи томонидан бериладиган хулоса – бу ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича тегишли органнинг расмий фикридир. Ушбу хулоса расмий ҳужжат сифатида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Хулосанинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин:

-Расмийлик, хулоса фақат ваколатли орган томонидан, тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳолда берилади. У одатда, муайян органга келиб тушган материалларни дастлабки текшириш ва ўрганиб чиқиш асосида тайёрланади .

-Компетентлик, хулоса фақат мазкур давлат органининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича берилади. Масалан, васийлик ва ҳомийлик органи – болалар ҳуқуқларига оид масалалар бўйича, экология қўмитаси – экологик низолар бўйича.

-Асослантирилганлик, хулосада суд томонидан текширилган барча маълумотларга асосланиб, суднинг қандай қарори, уларнинг фикрича, тўғри бўлиши ҳақида мулоҳазалар баён этилади. Хулоса фақат фактларга баҳо бериш билан чекланмайди, балки процессуал ва моддий ҳуқуққа доир асослантирилган хулосаларни ҳам ўз ичига олади .

-Ҳуқуқий қўмаклашиш функцияси, хулоса судга қонун ҳужжатларини тўғри талқин қилиш ва қўллашда ёрдам беради.

Қонунда давлат бошқаруви органининг процессда иштирок этиши шарт этиб белгиланган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Бундай нормалар Оила кодексида ва ФПКда кўрсатилган.

Оила кодексида боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ низоларда (76-модда), ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларда (80-модда), ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги ишларда (82-модда), ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ҳақидаги ишларда (83-модда), болалар тарбияси билан боғлиқ низоларда (88-модда), фарзандликка олиш ҳақидаги ишларда (151-модда) васийлик ва ҳомийлик органлари иш юзасидан хулоса бериш учун иштирок этиши шартлиги белгиланган.[8]

ФПКда фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар (302-модда), муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги ишлар (313-модда) ва вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб топиш ҳақидаги ишлар (325-модда) васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида кўриб чиқиши кўрсатилган.

Васийлик ва ҳомийликнинг вазифаси вояга етмаганларнинг жисмоний, маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва руҳий ривожланишига қўмаклашишдан иборат бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органлари етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёки давлат қарамоғига муҳтож бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобини олиб бориш, уларни жойлаштириш чораларини кўриш, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлиш ҳолатларини аниқлаш ва болаларни ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирларни кўриш, васийлар ва ҳомийларнинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш кабилар қиради.

Фуқаролик судларида вояга етмаганларни ҳуқуқларига доир ишларни кўришда васийлик ва ҳомийлик органлари сифатида туман (шаҳар)лар “Инсон” ижтимоий хизматлари Марказлари иштирок этади.

Васийлик ва ҳомийлик органларининг процессга киришишларидан асосий жиҳат судга ишнинг тўғри ва тўла ҳал қилинишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш йўли билан болаларнинг

ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича ўз бурчларини бажаришдан иборатдир.[9]

“Инсон” ижтимоий хизматлари Марказлари ота-она ва болаларнинг яшаш шароитларини ўрганиб, уларнинг турмуш ва яшаш шароити ҳақидаги далолатнома ҳамда ишни якуни бўйича ишни қандай ҳал этиш бўйича ўзининг хулосасини тақдим қилади.

Масалан, судда алоҳида яшаётган ота-она ўртасида вояга етмаган боланинг ота-онадан қай бири билан бирга яшаш ҳақидаги низо кўрилишида, “Инсон” ижтимоий хизматлари Марказлари ота-она ва боланинг турмуш ва яшаш шароитларини ўрганиш далолатномасидан ташқари, боланинг ота-онадан қай бири билан яшаш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ўзининг хулосасини судга беради.

Васийлик ва ҳомийлик органининг иш юзасидан хулосаси суд учун мажбурий кучга эга бўлмасада, суд томонидан хулосага баҳо берилиши, агар хулосадаги нуқтаи назар билан келишилмаган тақдирда ўзининг қарорида асослантирилиши лозим бўлади.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддаси 4-қисмида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органлари сифатида кўрсатилган.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органлари товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлигини, маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлигини, маҳсулотнинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёки товарнинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлигини, кафолат муддатларига риоя қилинганлигини ўрганиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунларни ижросини назорат қилиш каби функцияларни бажаради.

Суд истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ низоларни кўришда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларини иш юзасидан хулоса бериш учун жалб қилиши мумкин.

Иш юзасидан хулоса бериш учун давлат бошқаруви органини ишга жалб қилишнинг мажбурий шarti бу органларга қонун ҳужжатларида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатининг мавжудлиги ҳисобланади.

Давлат бошқаруви органининг иш юзасидан хулосасининг мазмуни икки хил бўлиши мумкин. Биринчидан, иш юзасидан хулосада низо у ёки бу тарафнинг фойдасига мазмунан ҳал қилиниши лозимлиги ҳақидаги хулоса берилиши, иккинчидан хулосада низоли ҳуқуқий муносабатга қонун нуқтаи назаридан ҳуқуқий баҳо берилиши мумкин.

Иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органининг процессдаги иштирокини мутахассис иштирокидан фарқлаш муҳим.

Иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органининг мутахассисдан фарқ қилувчи процессуал белгилари қуйидагилардан иборат:

- иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органи ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланади, мутахассис эса одил судловга кўмаклашувчи шахс ҳисобланади;

- иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органи процесснинг бошқа иштирокчиларига саволлар бериши мумкин, мутахассис эса фақат суд рухсат берса савол бера олади;

- иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органи судга илтимоснома бериши мумкин, мутахассис фақат ўзи бериши лозим бўлган маслаҳатнинг тўлиқ бўлиши учун судга илтимоснома бериши мумкин;

- иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органи иш материаллари билан танишиб чиқиши ва нусхалар олиши мумкин, мутахассис эса фақат ўзи иштирок этган процессуал ҳаракат баённомаси билан танишиши мумкин;

- иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органи суд музокараларида сўзга чиқади, мутахассис музокара қилмайди.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг ҳудудий органларининг истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари санаб ўтилган.[10]

Бизнинг фикримизча, иш юзасидан хулоса берувчи давлат бошқаруви органи ва мутахассисларнинг суд процессидаги ҳуқуқий ҳолати жиддий фарқга эгалиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг ҳудудий органи суд процессида давлат бошқаруви органи сифатида қатнашиши лозимлиги назарда тутилмаганлиги учун қонунга ўзгартириш киритиш эҳтиёжи мавжуд.

Шундан келиб чиқиб қонуннинг 25-моддаси 13-хатбошисини қуйидагича ўзгартиришни таклиф қиламиз:

-суд мажлисларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича иш юзасидан **хулоса берувчи давлат бошқаруви органи** сифатида белгиланган тартибда иштирок этади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида хулоса бериш мақсадида иштирок этиши муҳим процессуал институт бўлиб, у судга қонунни тўғри татбиқ этишда, объектив ҳақиқатни аниқлашда ва адолатли қарорлар чиқаришда ёрдам беради. Ушбу институтни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш эса назарий ва амалий жиҳатдан долзарб вазифа ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. Lex.uz/docs/3517337. (Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. Lex.uz/5535095).
2. Каллистратова Р.Ф. Институт особого участия государственных и общественных организаций в советском гражданском процессе. Автореф. Дисс. Канд.юр.наук М., 1954, с-26. (Kallistratova R.F. The Institution of Special Participation of State and Public Organizations in the Soviet Civil Process. Extended abstract of Candidate of Legal Sciences dissertation. Moscow, 1954, p. 26.)
3. Джандосова Е.В. Участие в гражданском процессе государственных органов и органов местного самоуправления для дачи заключения по делу. Дисс. Канд.юр.наук М., 2006, с-21. (Dzhandosova E.V. Participation of State Bodies and Local Self-Government Bodies in Civil Proceedings to Give an Opinion on a Case. Dissertation of Candidate of Legal Sciences. Moscow, 2006, p. 21.)
4. Д.Хабибуллаев Фуқаролик процессуал ҳуқуқи (саволлар ва жавоблар) ўқув қўлланма / Хабибуллаев Давлатжон Юлчибоевич – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2023, Б-50. (Khabibullaev D. Civil Procedural Law (Questions and Answers): Study guide / Khabibullaev Davlatjon Yulchiboevich – Tashkent: TSUL Publishing House, 2023, p. 50.)
5. Улетова Г.Д. Участие государственных органов в гражданском судопроизводстве как форма реализации защитной функции государства // Российский судья. 2018. №7. С. 154–160. (Uletova G.D. Participation of State Bodies in Civil Proceedings as a Form of Realization of the Protective Function of the State // Russian Judge. 2018. No. 7. Pp. 154–160.)
6. Баулин О.В. Состязательность и активность суда в гражданском процессе // Арбитражный и гражданский процесс. 2019. № 10. С. 72–78. (Baulin O.V. Adversarialness and Activity of the Court in Civil Proceedings // Arbitration and Civil Procedure. 2019. No. 10. Pp. 72–78.)

7. Нешатаева Т.Н. Публичные интересы в частноправовых спорах // Вестник гражданского процесса. 2020. №3. С. 118–130. (Neshataeva T.N. Public Interests in Private Law Disputes // Herald of Civil Procedure. 2020. No. 3. Pp. 118–130.)
8. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Lex.uz/docs/104720. (Family Code of the Republik of Uzbekistan. Lex.uz/5712113).
9. Эсанова З.Н. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни фуқаролик судида кўришнинг процессуал хусусиятлари. юрид. фан. док. дисс...автореф. – Тошкент: 2010. -42 б.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун. Lex.uz/docs/4704 (Law of the Republik of Uzbekistan on protection of consumer rights. Lex.uz/4525010).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.